

Бошни имомдан аввал кўтарувчилар



19:00 / 12.12.2021 1791

مَلَسُوْهُ لَعَلَّ يَصِيَّبَنَّ لَنَا نَعْلًا قَدْ نَعَىٰ لَللَّيْضِ رَعِيْرُهُ يَبْأَنَّ
سَأْرُهُ لَللَّوْحِيِّ نَأْمَامِ الْبَقِ هَسْأْرُهُ فَرِي دَلَّيْ شَخِيْ أَمْ أَلَا
هُسْمَخْلَاهُ أَوْ رَامِحْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бошни имомдан олдин кўтарувчи одам Аллоҳ ундай бошни эшакнинг бошига айлантириб қўйишидан қўрқмайдими?» дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу иқтидо қилувчининг намоз амалларини, жумладан, бошни саждадан кўтаришни ҳам имомдан олдин қилиши ҳаром эканлигига далолатдир. Ҳадисдаги таҳдид имомдан олдин бош кўтарадиган муқтадийга нисбатан айтилган бўлиб, улар имомга иқтидо қилиш одобига амал қилмай, фаҳмсизликдан «эшакмия» бўлиб қолишдан қўрқишлари лозимлиги таъкидланмоқда.

Демак, жаннат билан дўзах ҳозир ҳам бор. Уларнинг борлигига иймон келтирган, дўзахдаги азобларни, жаннатдаги лаззатларни кўз олдига келтириб яшаган одам оз кулиб, кўп йиғлайди. Ҳаёти давомида жаннатга олиб борувчи ишларни кўпроқ қилишга, дўзахга олиб борувчи ишлардан узоқда бўлишга ҳаракат қилади.

Шу жиҳатдан ҳадиси шарифга тўлиқ амал қилмоқ керак. Хусусан, имомга иқтидо қилиб намоз ўқиган пайтимизда намознинг амалларини ундан олдин қилмасликка, ҳамма ҳаркатни имомдан кейин қилишга муваффақ бўлмоғимиз лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди